

**“ЮНУСОБОД ДЕХҚОН БОЗОРИ” АЖ Да  
“АЛИШЕР – НАВОЙЙ БҮОК МУТАФАККИР” мавзусида  
МАЖЛИС БАЁНИ**

2022 йил “**б**”феврал

Тошкент шаҳри

Мажлис раиси

“Юнусобод дехқон бозори”  
АЖ директор биринчи ўринbosари  
А.А. Абдужамилов

Таклиф қилинганлар:

Республика Маънавият ва маърифат Юнусобод  
туман бўлинмаси етакчи мутахассиси Х.Хасанов

Адабиётшунос Ч.М.Жонузокова

Қатнашдилар :

“Юнусобод дехқон бозори” АЖ маънавий  
ва маърифий ишлар бўйича инспектори  
М.С.Асатова

Жамият ишчи-ходимлари  
20 киши

**КУН ТАРТИБИ:**

1. Улуг шоир ва давлат арбоби Алишер Навоий таваллудининг 581 йиллиги муносабати билан унинг хаёти ва ижоди ҳақида.
2. Захриддин Мухаммад Бобур шоир ва давлат арбоби таваллуди 539 йиллиги муносабати билан шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида.

Раислик килувчи директорнинг биринчи ўринbosари А.А.Абдужамилов йигилишни очиб, иштирокчиларни кун тартиби билан таништириб, сўзни таклиф қилинган адабиётшунос Ч.М.Жонузоковаг берди. У сўзида Алишер Навоийи ва Захриддин Мухаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижодини сўзлаб, сўзи охирида уларнинг каламига мансуб шеърий мисралар билан сўзини якунлади. Маънавий-маърифий ишлар бўйича испектор М.Асатова ўз маърузасида Ватанимиз Истиколи туфайли шеърият султони бўлмиш Алишер Навоийга нисбатан бўлган муносабат тубдан ўзгарди. 1991 йилда “Алишер Навоий йили” деб эълон қилинди. Алишер Навоий таваллуди ҳалкаро миқёсида кенг нишонланди. Ўзбекистон миллий боғига шоир номи берилди. Унинг энг баланд тепалигига улуғ шоирнинг басавлат хайкали қад ростлади. Очилиш маросимида Мустакил Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов ўз нуткини шундай бошлади: Агар Алишер Навоийни авлиё десак-у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак-мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак-шоирларнинг султонидир. 1991 йил 7 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига кўра Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тил ва адабиёт олийгохига Алишер Навоий номи берилди. Алишер Навоийнинг шеърият мулкининг султони экани, ўзининг 45 мингга яқин ёзган ғазаллари ва рубойлари билан дунёни забт этган шоир экани буни бутун дунё тан олган. Неча йилдирки, ҳазрат Навоий шеърият мулкининг султони сифатида ҳалқимизнинг фахрига айланниб келмоқда. Мустакиллик йилларида 20 томлик асари янгидан чоп этилганлиги ва чет эл элчихонаси билан ҳамкорликда шоирнинг ғазаллари чет тилларига ҳам таржима қилинаётганлиги айтиб Дунё олимлари томонидан шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида илмий ишлар изланишлар олиб борилаётганлиги Алишер Навоийнинг таваллуди дунёning кўпгина шаҳарларида ҳам шунингдек юртимизда ҳам нишонланаётганлиги ҳақида катнашчиларига маълумот берди.

Захриддин Мухаммад Бобур фаолияти кўп асрлик турк цивилизациясининг жаҳон тан олган маъшаласидир. Уни ҳалқимиз шоҳ ҳам шоир сифатида билади. Захриддин Мухаммад

Бобур ҳам шоир сифатида, табийки бенихоя мумтоз бир ўринга эга. Унинг адабий хизматлари ҳакида сўз кетганда фақатгина бир кишига шеърият султони Навоийга киёс килиш мумкин. Шоирнинг асарларини сони, салмоғи билан эмас, куч-кудрати билан ўлчамок лозим. Унинг шеърлари кўп эмас, яъни юзга яқин ғазали, 200 тacha рубойиси бор холос, лекин улар хар қандай кўнгилга йўл топа оладиган янги рух, тоза нафас олиб кура оладиган юрт-ватан соғинчига йўғрилган, тарбиявий ахамиятга эга бўлган шеърлардир. У шоир сифатида келажак авлодга “Борбурнома”дай улкан мерос яратиб қолдирди. Шоирнинг бу асарисиз 15-18 асрлардаги Маваруннахр, Хурросон, Хиндистон хаётини ўрганиш мумкин эмас, бу асарда уч минтақа, хаётининг барча соҳалари табиатидан жамиятигача, сиёсатидан адабиётигача, урф-удумидан эътиқодигача барча-барчаси замонасининг энг маърифатли бир кишиси дунёкарашида берилган. Бобур Алишер Навоидан кейин иккинчи ўринда бўлиб, шеъритимизнинг назарни ҳакида маҳсус бир асар битган. Ўша даврда хўжалик хаётини ёритувчи “Мубайин”(тўлик номи “Мубайин ал закот”закот баёни) асарини ёзган. Айниқса Захриддин Мухаммад Бобур рубоийларида шоир истеъоднинг гултожлари жамланган дейиш мумкин. Уларда шоирнинг тимсол яратиш, бадиий санъатлардан фойдаланишдаги маҳорати яккол баён бўлади. Бобур асарларининг барҳаётлиги ва ахамият ҳам ана шундадир. Бобурнинг хаёти ва ижоди тарихимизнинг хаяжонли, армонли бир сахифаси, уни ўқиш, ундан ўрганиш, баҳраманд бўлиш маънавиятмизга, руҳиятимизга кувват багишлади. Бугун Бобур меросининг миллий ғоя, миллий ўз-ўзини англашдаги ибрати катта. Ватанга унинг меҳридай меҳр керак, унинг хурматидай хурмат керак, тарихни англашда, ўзликни англашда унинг кунти, саботи, матонати керак деб ўз сўзини якунлади. Мажлис қатнашчиларига видео роликлар кўйиб берилди. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда

### ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Алишер Навоий шоир ва Захриддин Мухаммад Бобур давлат арбобининг хаёти ва ижоди ҳакида ишчи-ҳодимлар орасида давра сухбатлари ўтказилсин.

Мажлис котиби

М.С.Асатова